




**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2022
1/3/1

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022



Дилором САДИКОВА,
БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси
E-mail: erkdil2004@mail.ru

Филология фанлари доктори, доцент Х.П.Эшонқулов тақризи остида

МУСЛИҲАБЕГИМ МИСКИН СОҚИЙНОМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақолада бухоролик зуллисонайн шоира Муслиҳабегим Мискиннинг соқийномалари тахлили, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шу билан бирга, ўзбек адабиётида соқийнома жанри тадқиқида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган адабиётшунос олимлар хусусида ҳам фикр юритилди.

Калит сўзлар: Соқий, гул, лозор, дунё, ишк, ошк, маърифий маъно, ринд, май, ислом, Муҳаммад расулulloх.

CHARACTERISTICS OF MUSLIHABEGIM MISKIN'S SOKIYNOMAS

Annotation

The article analyzes the memoirs of the Bukhara poetess Muslihabegim Miskin, their peculiarities, as well as literary scholars who have made a worthy contribution to the study of the genre of memoirs in Uzbek and Turkish literature.

Key words: Saqi, gul, tulip, world, love, lover, enlightenment meaning, rind, may, Islam, Muhammad sallallahu alayhi wa sallam.

ХАРАКТЕРИСТИКА СОҚИЙНОМА МУСЛИҲАБЕГИМА МИСКИНА

Аннотация

В статье анализируются мемуары бухарской поэтессы Муслихабегим Мискин, их особенности, а также литературоведы, внесшие достойный вклад в изучение жанра мемуаров в узбекской и турецкой литературе.

Ключевые слова: Саки, гуль, тюльпан, мир, любовь, любовник, просветительское значение, кора, май, ислам, Мухаммад.

Кириш. Муслиҳабегим Бухоро адабий мухитининг аёл ижодкорларидан бири бўлиб, шоира Мискин тахаллуси билан калам тебратган. У ўз ижод намуналарини ўзбек ва тожик тилларида бадиий акс эттиришга уринган соҳибдегон шоирадир. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро адабий миҳитида Муслиҳабегим Мискиндек зуллисонайн шоиранинг учраши ноёб адабий-эстетик ҳодиса саналади.

Муслиҳабегим Мискин ўзи яшаган даврга қадар мусулмон минтақа халқлари адабиётида мавжуд бўлган анъаналарни теран ўрганишга баҳоли қудрат саъй-ҳаракат кўрсатган ижодкордир. Унинг девонларида ўзбек ва тожик тилларида ижод этилган ғазал, рубоий, соқийнома, фард, маснавий, мухаммас, мусаддас, мустаснаъ, муашшар, мустаод сингари назм намуналарининг учраши муаллифнинг ижод сирлари билан ошно бўлишга қаратилган жидду жаҳдининг самараси саналади. Айни чоқда саккиздан ортик шеърий ҳикоят ҳамда иккита насрий ҳикоятни маснавийда битганлиги шоира истеъдодининг яна бир муҳим қирраси сифатида намоён бўлади.⁴

Мавзуга оид адабиётларнинг тахлили. Мискин лирик турнинг соқийнома жанрида ҳам ижод этган истеъдодли шоира саналади. Гарчи Муслиҳабегим соқийномалари девоннинг салмоқли қисмини ташкил этмасда-да, улардаги мавзулар шоиранинг бошқа жанрдаги асарлари мазмуни билан ҳамоханг. Мискин соқийномалари билан танишар эканмиз, унинг соқийнома ёзиш қонун-қоидалари ва усулларини маҳорат билан

ўзлаштирган шоира эканлигига яна бир қарра гувоҳ бўламиз.

Соқийнома ўзбек мумтоз адабиётидаги шеърий шакллардан бири бўлиб, у одатда соқийга мурожаат билан бошланади. Соқийнома жанридаги шеърлар XV асрдан кейин ҳам шеърятимизнинг ҳаётга жуда яқин ва жонли намуналарини тамсил этган. Адабиётшунос М.Асадов тадқиқотида соқийноманинг маснавий шаклидан ташқари ғазал-соқийнома, мусаддас-соқийнома, рубоий-соқийнома, таржеъбанд соқийнома шаклларида битилган намуналари борлиги эътироф этилади.⁵

Туркий адабиётга соқийнома жанри Навоий ижоди билан бирга кириб келди. “Фавоид ул-қибар” девонидаги кичик дostonга қислаш мумкин бўлган соқийнома ҳажман 458 байтдан иборат бўлиб, Навоий яшаган даврдаги тарихий шахслар, давр муаммолари, энг аввало, Навоий шахси билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзида акс эттирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.⁶

Ўзбек адабиётшунослари А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Р.Орзибеков, Ф.Набиев, Ё.Исхоков, И.Ҳаққуловларнинг ишларида соқийнома жанри ҳақида баҳс юритилган.⁷

⁵ Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараккиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филология фанлари д-ри... дисс.-Тошкент, 2020.

Ҳаққул И. Соқийнома. Ҳаёт ва шодлик манзумаси. <https://kh-davron.uz/kutubxona/>.

⁶ Сирожиддинов Ш. ва б. Навоийшунослик. Т. Академнашр. 2020. 576б.

⁷ Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. 272 б.

⁴ Эшонқулов Х., Содиқова Д. Муслиҳабегим Мискин. – Бухоро. 2012. 17-б.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-киёсий, шархлаш усулларидан фойдаланилган. Муслихабегимнинг 1972 ва 1962-рақамли девонларида 25 тадан, 1277-рақамли девонида эса 26 та соқийнома мавжуд. Учала девонда келтирилган соқийномалар бир хил. Фақатгина шоиранинг 1277-рақамли девонида бошқа девонлар таркибида учрамайдиган битта соқийнома берилган.

Биз тадқиқини амалга ошираётган шоира Мискин соқийномалари форс-тожик тилида, маснавий усулида ёзилган бўлиб, жами 104 мисрадан иборат. М.Асадов маснавий шаклида битилган соқийномаларда ижтимоий оҳанглар, замон ва ижодкор қисмати, ҳасби ҳол мазмуни, шунингдек ахлоқий-таълимий масалалар бошқа шеърини шаклларида яратилган мазкур жанр намуналарига нисбатан ётакчи мавқега эгаллашни эътироф этади⁸. Турк олими Р.Ганимнинг соқийномага берган таърифи эса Муслихабегим Мискиннинг шундай жанрда ёзилган назм намуналарига нисбатан мувофиқ тушади. Жумладан, у “Турк адабиётида соқийномалар ва ишратномалар” китобида соқийномани қуйидагича таърифлайди: “Соқийнома – шоирнинг соқийга хитоби ила умрнинг фонийлиги, дунёнинг ўткинчилигини хотирлатмоқ, панду насихат, ҳикмат мазмунидаги ва мутақориб баҳрида ёзиладиган маснавий шеър”⁹.

Мискин соқийномалари ҳам арузнинг мутақориб мусаммани маҳзур вазнида ёзилган бўлиб, уларни асосан мавзусига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тоат-ибодат ҳақидаги соқийномалар
 2. Оллоҳдан, пирлардан марҳамат тилаш, унинг лутфидан умидворлик ҳақидаги соқийномалар
 3. Умрнинг ўткинчилиги хусусидаги соқийномалар
 4. Илоҳий ишқ васфига бағишланган соқийномалар
- Муслихабегим Мискин девонида Оллоҳдан, пирлардан марҳамат тилаш, унинг лутфига умидворлик мазмунидаги соқийномалар хажман кўпроқ бўлиб, асосан уларда умрнинг ўткинчилиги, ҳар дақиқа, ҳар лаҳзанинг ғаниматлиги, Оллоҳ ва пайғамбаримиз Муҳаммад расулуллоҳнинг шафоатларидан умидвор бўлиш лозимлиги таъкидлаб ўтилади:

Биё соқий, бегузар зи хою хавас.
Бувад ин чаҳон ошиқонро қафас,
Дили худ макун моил ин чаҳон,
Ки рафтанд аз ин чо ҳама ошиқон¹⁰.

Шоира наздида, бу дунё барча ошиқлар учун қафас. Шу боис унга кўнгил боғлаш, у билан боғлиқ орзу-хавасларга берилишдан воз кечиш керак. Муслихабегим ўқувчини бу жаҳонга кўнгил бермасликка ундаркан, фикрини далиллаш учун бу ердан барча ошиқларнинг ўтиб кетганини мисол қилиб келтиради.

Таҳлил ва натижалар. Шоиранинг соқийномаларидан яна бири Оллоҳдан марҳамат тилаш, унинг лутфига умидворлик мавзусида битилган:

Биё соқий, хожати худро беҳох
Ки бар холи мо он худованд гувоҳ.

⁸ Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, таркибиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филология фанлари д-ри... дисс.-Тошкент, 2020.

⁹ Canım R. Türk edebiyatında sakınameler ve iştiratname. – Ankara: Akçağ yayıncılığı, 1998. – S.10.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги қўлёзмалар фонди. Инв.1972.(Бундан кейин шоира девонларига мурожаат этилганда кас ичида инвентарь рақами ҳамда варагини курсатиш билан кифояланамиз – Д.С.)

Худованд кунад раҳмат ин осийн,
Давомат бар даргоҳи ў кун фиғон. [1972; 120а
варақ]

Муслихабегим Мискиннинг таъбирича, Оллоҳ унга ва у каби гуноҳкор инсонларга, албатта, раҳм қилади, аммо, бу марҳаматга эришиш учун одамлар мудом “фиғон” чекишлари керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, шоиранинг аксар ижодий намуналарида келтирилган “фиғон”, “оҳ”, “нола” каби хитоблар айнан шунчаки гуноҳкор банданинг илтижо қилиши лозимлигини ифодалаш учун эмас, балки гуноҳларни ювиш учун тоат-ибодат қилиш шартлиги юзасидан ҳам тавсиф этилганлигини англаш мумкин бўлади.

Шоира бу жанрдаги асарларида соқийга мурожаат қилиниши замирида калби Аллоҳ ишқи билан лиммо-лим тўлиш орзусидаги лирик қаҳрамон ҳолатини ифодалайди. Бу ишқ унга Оллоҳнинг маърифати билан ошно бўлишини кўнгилга олиб қиради. Муслихабегим Мискин калбига кириб келиши назарда тутилган Оллоҳ маърифатини жидду жаҳди билан ибодат қилишда, нафси амморанинг алдовларига кўнгил боғламасликда деб билади.

Мискин соқийномаларидаги айни ҳолат Аҳмад Яссавий ҳикматларини хотирга келтиради:

Худовандо, мени солғил ўз йўлингга,
Нафс илгида хароб, адо бўлдум мано¹¹.

Аҳмад Яссавий ҳам шоира Мискин сингари “нафс илги”дан қутулмоқ, атрофда тўлиб-тошган фиску фуҷурларга барҳам бермоқнинг йўлини излайди. Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий “Олло дедам, шайтон мендан йирок қочди, хою хавас, моумонлик турмай кўчди...” деб бежизга айтмаган.

Шоира Мискиннинг “Биё соқий, инчо тараб...” мисраси билан бошланадиган соқийномаси ҳам юқоридаги мавзунинг силсилавий давомини ўзида мужассамлаштирган:

Биё соқий, ин чо тараб соз кун,

Ки зикри худованд оғоз кун.

Ки зикри худо роҳати чоң бувад,

Даруни лаҳад нури иймон бувад [1972;120а варақ]

Моҳият марказида Оллоҳни зикр этиш масаласи устувор этиб белгиланади ва шоира мазкур амаллари бажариб, Оллоҳни мудом ёдга олиш, пайти келиб, инсон вафот этганида унинг амалга оширган зикрлари қабрини зулматдан асрашини, шу билан бирга, иймон нури билан ёритилишини ифода этади.

Мискин соқийномаларида инсонларнинг гуноҳкор ва чорасиз эканлигини айтиб, парвардигорнинг химматига, марҳаматига муҳтожлигини қайта-қайта таъкидлашдан тўхтамайди. Эътиборли жиҳати шундаки, шоира буни ранг-баранг сатрларда моҳирона амалга оширади.

Шоира соқийномаларининг аксариятида Оллоҳ Таолони васф этаркан, уни Ислолда назарда тутилган тўқсон тўққизта номларидан айримларига ҳам мурожаат қилади. Жумладан, “Биё соқий, номаш Гафуру Раҳим...” мисраси билан бошланувчи соқийномасида гуноҳкор бандалар Оллоҳнинг лутфидан ноумид бўлмаслигини баднийлаштиради:

Биё соқий, номаш Гафуру Раҳим,

Кунад як назар холи моро Карим,

Зи лутфаш назар созад ў холи мо,

Тараҳхум кунад бар аҳволи мо [1972;120а варақ].

Таърифининг бундай номлари тилга олиганда, лирик қаҳрамон ўзини гуноҳкорлар сафига киритиб, маломат қилади.

¹¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.–Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 8-б.

Оллоҳнинг Фафур ва Раҳим сингари номлари мавжудлигини соқийга мурожаат билан ифодалар экан, унинг гуноҳларни кечирувчи, раҳмдил ва меҳрибонлигидан умидворлигини ифодалайди.

Оллоҳнинг Карим, яъни сахий ва саховатли маъноларни англатувчи номи эса ўзи сингари осийлар ҳолига назар қилишига муҳтожлигини бадийлаштириш имконини беради. Негаки, лирик қаҳрамон кабиларнинг ҳолидан хабар олиш учун саховатли бўлмок нихоятда муҳим саналади. Шундай улуғ зот лирик қаҳрамон ва унинг сафдошларига назар қилиши, тараҳхум – раҳм қилишидан умидворлик соқийнома бағрига сингдирилади.

Мискиннинг умр ўткинчилиги бадий талқинига бағишланган Муҳаммад расулulloҳ образларига мурожаат қилинганлиги билан аҳамиятлидир:

Биё соқий, рафтанд ҳама аз чаҳон,

Ки ҳама олимон ҳама солиҳон.

Кани он шох Муҳаммад кучост?!

Ки сардори чумла Аҳмад кучост?! [1972;120а варақ]

Шоира соқийга мурожаат этган ушбу маснавийсида жаҳон–дунёнинг пайгамбар ҳадисларида ифодаланганидек, бир работ эканлигини назарда тутати ва ҳамма бундан вақти-соати билан ўтиб кетишига ишора қилади. Бу дунёдан олимлар ва солиҳларнинг ўтиб кетгани бадий ифодаси шеърхонни сергаклантиради.

Иккинчи байтдаги шох Муҳаммад ва жумла олам сардори Аҳмаднинг каердалигини таҷоҳули орифин бадий санъатига таянган ҳолатда сўралиши ўқувчидаги хиссий таъсир кучини янада оширади. Табиийки, бу хиссий таъсир эътиқодий қарашлар замирида шакллантирилганлиги боис унинг қудрати янада кучлироқ намоён бўлади.

Биё соқий, мардони Ҳақ рафтаанд,

Аз ин чо ки рахти сафар бастанд.

Бедидан(д) чаҳон ҳаст кўҳна работ,

Берафтанд(д) аз ин чо ҳама кард бод. [1972;123а варақ]

Шоира дунёнинг вафосизлигини, унинг кўҳна работга ўхшашлигини “мардони Ҳақ” образига мурожаат этиш билан ҳам юқоридаги соқийномада кузатилганидек, таъсирчан, бадий ифодалайди.

Адиб Аҳмад Югнакий ҳам “Ҳибатул ҳақойик” асарида дунёни бир кўниб, яна кетиладиган работга ўхшатади: “Бу дунё тушиб кўчгулик работдир, работга тушгучи кўчиш учун тушади”¹².

Мумтоз адабиётда яратилган аксарият соқийномаларда тонг, баҳор фасли ва гулзорни таъриф тавсифлаш орқали ҳаёт шодликлари, табиат гўзалликларини мадҳ этиш, умрнинг ҳар бир лаҳзасини ганимат билиб, уни шоду хуррамликда ўтказиш мазмунлари ифода этилади¹³.

Муслиҳабегимнинг “Биё соқий, вақти гулу лозор...” мисраси билан бошланувчи соқийномасида ҳам шундай мазмун ўзининг бадий ифодасини топган:

Биё соқий, вақти гулу лозор,

Бечинем гуле дар фасли баҳор.

Ғанимат бувад ин гулу гулистон,

Расад оқибат гулистонро ҳазон [1972;120а варақ]

Ижодкорнинг ҳаётдан завқланиш, умрнинг ўткинчилиги хусусидаги соқийномасида айни баҳор чоғи, гулу лозорларни кезадиган давр эканлиги эътироф этилиб, ҳазон чоғи ҳам муқаррарлиги таъкидланган.

Хусусан, шоира мазкур соқийномада ёшлик давридан унумли фойдаланиш заруратини, ганимат дамларда фурсатни қўлдан бой бермасликни, эзгу амаллар қилишдан чарчамасликни, зеро, эртага кексалик даврида, умр поёнига етганида барча амаллар сарҳисоб қилиниши уқтирилган.

Муслиҳабегим Мискиннинг “Биё соқий, омад ки никоми гул...” ҳамда “Биё соқий, омад ки вақти ҳазон...” мисралари билан бошланувчи соқийномалари мазмунан бир-бири билан ҳамоҳанг бўлиб, ҳар қандай лозор (ёшлик, шижоат даври) ҳам, алаҳхусус, яқсон бўлишини, шундай экан, тақвода бардавомликни сақлаб қолиш банди фойдасига хизмат қилиши айтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соқийга мурожаат орқали ўқувчининг диққатини ифодаланаётган фикрга жалб қилиш, риторик хитоб ёки нидо санъати воситасида ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиш соқийнома жанри композициясида нихоятда муҳим аҳамиятга эга. Соқийномаларда соқийга хитоблар ўқувчини ижодкорнинг руҳий-маънавий олами, фикрлар дунёси, у эътибор қаратган бир қатор ахлоқий, фалсафий, ижтимоий, сиёсий масалаларга йўналтиради. “Соқий”, “соқинё”, “эй, соқий”, “кетур, соқий”, “аё, соқий” чорловларидаги риторик оҳанг, ўткир пафос ва кескин мурожаат ўқувчини сергаклантиради, диққатини муайян нуқтага жамлашга ундайди¹⁴. Жумладан, Мискин соқийномасида соқийга мурожаат “биё, соқий” – “кел, эй соқий” шаклида берилган бўлиб, “соқий” мурожаати орқали илтимос, ялиниш, илтижо каби маънолар ҳам ифодаланган.

Хулоса. XIX асрнинг иккинчи ярми Бухоро адабий муҳитида бадий ижод билан шуғулланган истеъдодли шоира Муслиҳабегим Мискиннинг мумтоз назмнинг бирмунча камёб жанри– соқийномада ижод этганлиги унинг шоирлик истеъдоди юксаклигидан дарак беради. Негаки, “соқий”, “май” сингари тимсоллардан ижодий фойдаланиш аёл ижодкор учун муҳим бадий кашфиётлар яратишни талаб этади.

Шоиранинг таҳлилга тортганимиз соқийномаларини назардан ўтказар эканмиз, уларнинг аксариятида илоҳий-ирфоний ғояларнинг етакчилиги қилиниши гувоҳ бўламиз. Мискин ижодида диний қарашлар етакчилик қилиши у вояга етган шарт-шароит ва адабий муҳит билан изоҳланар экан, шоира илгор умумбашарий ғояларни тарғиб қилишга интиланлигини пайкаш кўпин эмас. Дунёвий амаллар, ҳаётга бўлган юксак завқ ва иштиёқ, ноёб инсоний фазилатларга даъват, ҳаётни нурсиз қилувчи иллатларга шафқатсизлик, шу билан бирга, ҳаётсеварлик ғоялари ана ўша илоҳий-ирфоний пардаларга ўралган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилади.

Муслиҳабегим Мискин қолдирган маънавий мероснинг ҳаётбахш руҳи замон ва замондошлар маънавий оламига ҳамоҳанглиги ҳам ана ўша умумбашарий ғояларда равшан намоён бўлади.

¹² Адиб Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойик.-Тошкент.: “Академнашр”.2019.15-б.

¹³ Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, таракқиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филология фанлари д-ри... дисс.-Тошкент, 2020. 169-б.

¹⁴ Асадов М. Соқинё жоми тараб тараб келтурки... .. <https://kh-davron.uz/kutubxona/>.

АДАБИЁТЛАР

1. Эшонқулов Х., Содикова Д. Муслихабегим Мискин.–Бухоро. 2012. 55б.
2. Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараккиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари). Филология фанлари д-ри.. дисс. – Тошкент, 2020. –275б.
3. Ҳаққул И. Соқийнома. Ҳаёт ва шодлик манзумаси. <https://kh-davron.uz/kutubxona/>.
4. Сирожиддинов Ш. ва б. Навоийшунослик.–Тошкент. Академнашр, 2020.–576 б.
5. Қайюмов А. Дилқушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Тошкент.: Шарқ, 2014. –272б;
6. Саїтм Р. Türk edebiyatında sakinamele ve işratname. – Ankara: Akçağ yayınları, 1998.– S.0.
7. Ахмад Яссавий. Ҳикматлар.–Тошкент. :Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.– 256б.
8. Адиб Ахмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойик. – Тошкент.: “Академнашр”, 2019. –168б.
9. Асадов М. Соқий жами тараб тараб келтурки... <https://kh-davron.uz/kutubxona/>.
10. Rajabboyevna A. N. Individualization in education and methods of improving teaching the English language //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 1. – pp. 91-96.
11. Alimova N., Radjabova M. The role and importance of individual education in the system of organization //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – pp. 401-404.